

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА  
ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОФИДАГИ ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ

Баймирзаев Дилмурод Нематович,  
Наманган давлат университети, таянч докторант  
*e-mail: dilnazdon@mail.ru*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-4-6>

**For citation:** Baymirzaev Dilmurod Nematovich. Risk management in the livestock industry in the conditions of modernization of agriculture. Journal of innovations of economy. 2019, vol.4. PP.51-64.

**Аннотация:** Мақолада чорвачилик соҳасидаги хатарларни бошқариш ва уларнинг таъсирини камайтириш масалалари ўрин олган. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларни фаолияти тадқиқ этилган. Улар фаолиятидаги асосий хатарлар аниқлаштирилган ва таҳлил этилган. Хатарларни бошқариш ва минималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** чорвачилик, дехқон хўжалиги, фермер хўжалиги, хатар, хатарларни бошқариш, озуқа, диверсификация.

## УПРАВЛЕНИЕ РИСКАМИ В ЖИВОТНОВОДЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Баймирзаев Дилмурод Нематович,  
Наманганский государственный университет, базовый докторант  
*e-mail: dilnazdon@mail.ru*

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы управления рисками и снижения их влияния в животноводстве. Изучена деятельность хо-

зяйств, специализирующихся на животноводстве. Были выявлены и проанализированы основные риски в их деятельности. Разработаны предложения и рекомендации по управлению и минимизации рисков.

**Ключевые слова:** животноводство, дехканское хозяйство, фермерское хозяйство, риски, управление рисками, корма, диверсификация.

---

## RISK MANAGEMENT IN THE LIVESTOCK INDUSTRY IN THE CONDITIONS OF MODERNIZATION OF AGRICULTURE

**Baymirzaev Dilmurod Nematovich,**  
Namangan state University, doctoral student  
*e-mail: dilnazdon@mail.ru*

**Abstract:** The article deals with the issues of risk management and reducing their impact in animal husbandry. The activity of farms specializing in animal husbandry was studied. The main risks in their activities were identified and analyzed. Proposals and recommendations for risk management and minimization have been developed.

**Key words:** animal husbandry, dekhkan farm, farm, risks, risk management, feed, diversification

---

**Кириш.** Чорвачилик аграр секторнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, қишлоқ аҳолиси бандлиги, озиқ-овқат таъминоти ва даромадининг асосий манбаси, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бу тармоқда озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналари учун гўшт, сут, жун, тери, асал ва бошқа маҳсулотлар, инсон саломатлиги учун эса зарур ҳисобланган протеин, оқсил, ёғ, витаминалар ва минерал моддаларга бой бўлган турли хилдаги маҳсулотлар етиширилади [4].

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи чорвачилик маҳсулотлари истеъмол ҳажми мамлакат фаровонлигини ифода этувчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини, хусусан, чорвачиликни ривожлантириш, унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. 2018 йилда республикада аҳоли жон бошига ўртacha 72,7 кг гўшт (тирик вазнда), 315,2 кг сут, 221 дона тухум тўғри келган.

Мамлакатимизда сут ва гўшт маҳсулотларини аҳоли истеъмоли учун белгиланган тиббий меъёрларга мос равишда ишлаб чиқаришга эришишда чорвачилик тармоғини ривожлантириш, унинг тараққиётига тўскىнлик қилувчи хатарларни тадқиқ этиш, уларнинг таъсирини камайтириш ва бартараф этиш йўлларини аниқлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Бугунги кунда фермер хўжаликларининг йиллик чорва озуқасига бўлган эҳтиёжи нинг фақат 35 фоизи маҳаллий имкониятлар ҳисобидан қопланмоқда. Шу сабабли янги ерларни ўзлаштириш орқали экин майдонларини кенгайтириш эвазига чорванинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, балиқчилик, паррандачиликни ривожлантириш ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кескин қўпайтиришимиз керак - дея таъкидлайди [1].

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий хатарларни баҳолашнинг назарий ва услубий масалалари Ж.М.Кейнс, Ф.Найт, Ж.Нейман, О.Моргенштерн, Й.Шумпетер ва бошқа таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида акс этган.

МДҲ мамлакатларида хатарларни бошқариш масалаларини тадқиқ этиш ўтган аср охирларида ниҳоятда фаоллашди. Жумладан, И.Т.Балабанов ўз тадқиқотларида риск-менежментининг мазмуни ва уни ташкил этиш, хатар даражасини пасайтириш усуллари, йўналишлари ва стратегияси, уларни сугурталаш [5], К.В.Балдин хатарлар шароитида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг методологик, ташкилий ва технологик асослари [6], С.М.Васин ва В.С.Шутовлар тадбиркорлик фаолиятидаги хатарлар ва уларни туркумлаш, хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари, корхона стратегиясида хатарлар бошқариш хусусиятларини [7] тадқиқ этганлар.

Мамлакатимиз олимларидан М.Шарифхўжаев ва Ё.Абдуллаевлар таваккалчилик (риск)ни бошқариш, хавф ва таваккалчилик турлари ҳамда уларни бошқариш [11], Ш.Зайнутдинов, А.Шермуҳаммедоловлар бошқарув жараёнида дуч келадиган хатарлар ва уларнинг таҳлили, хатарларнинг турлари ва бошқариш шакллари [9], А.Абдуллаев аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илфор шаклларидан бири ҳисобланган фермер хўжаликларининг илмий-назарий асослари [2], А.Абдуғаниев қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодиётдаги роли, аҳамияти, унинг самарадорлигини ошириш [4] масалаларида илмий изланишлар олиб борганлар.

Хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан ушбу соҳа кенг ўрганилган бўлса-да, иқтисодиётнинг либераллашуви ва таркибий ислоҳотларни жадаллаштириш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида чорвачилик тармоғидаги хатарларни бошқариш борасидаги тадқиқотлар етарли эмас. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, соҳадаги хатарларни бошқариш ва уларнинг таъсирини камайтириш, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар фаолиятини тадқиқ этиш асосида улар фаолиятидаги асосий хатарлар аниқлаш, таҳлил этиш ва мини-

маллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот методологиясини мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг хатарларни бошқариш йўналишида олиб борган илмий-тадқиқот ишлари натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари ташкил этади. Тадқиқот жараёнида Наманган вилоятида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича статистик кўрсаткичлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилиниб, чорвачиликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда вужудга келадиган асосий хатарларни аниқлаш ва иқтисодий баҳолашда фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уларнинг турларини кенгайтириш, шунингдек аҳолини маҳаллий шароитларда ишлаб чиқарилган сифатли, арzon чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Наманган вилоятида асосий чорвачилик маҳсулотлари сифатида гўшт, сут, тухум, жун ва пилла етиштирилади. Вилоятда 2018 йилнинг январ-декабр ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5257,9 млрд. сўм ёки 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати 104,6 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотлари улуши 39,5 фоизни ташкил этди. 2018 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 140,3 минг тонна гўшт, 678,1 минг тонна сут, 526,7 млн. дона тухум, 1600 тонна жун, 1498,5 тонна пилла ишлаб чиқарилди (1-жадвал).

1-жадвал


### Наманган вилоятида асосий чорвачилик маҳсулотлари турларини етиштириш динамикаси<sup>1</sup>

Йиллар	Гўшт (тирик вазнда, минг тонна)	Сут (минг тонна)	Тухум (млн. дона)	Жун ишлаб чиқариш (физик вазнда, тонна)	Пилла ишлаб чиқариш, (тонна)
2014	106,5	536,3	276,6	1504	2814,9
2015	114,7	581,0	358,2	1580	2811,7
2016	125,0	637,4	423,3	1702	2827,2
2017	134,9	665,5	487,9	1780	601,8
2018	140,3	678,1	526,7	1600	1498,5

<sup>1</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида турли мулк шаклидаги хўжаликлар ташкил топди. Бугунги кунда вилоятда чорвачилик фаолияти асосан деҳқон (шахсий ёрдамчи) ва фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилмоқда.

Наманган вилоятида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, уларнинг асосий улуши деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши фермер хўжаликларининг улуши (пилла ишлаб чиқаришдан ташқари) нисбатан паст даражада сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, тирик вазндан гўштнинг умумий ҳажмини 94,4 фоизи, сутнинг 97,5 фоизи, тухумнинг 40,7 фоизи, жуннинг 97,8 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари хиссасига тўғри келади. Фермер хўжаликларининг чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улушини нисбатан камлигини уларни ғалла ва пахта етиширишга, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларига ихтисослашганлиги билан изоҳлаш мумкин (1-диаграмма).




**1-диаграмма. Наманган вилоятида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши<sup>2</sup>**

Чорва моллари ва паррандалар бош сони хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилганда, уларнинг катта қисми деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ихтиёрида эканлигини кўриш мумкин. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шоҳли қорамолларнинг 3,5 фоизи

<sup>2</sup> Диаграмма Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

фермер хўжаликлари ҳиссасига, 95,6 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 0,9 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда, қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 3,3 фоизи фермер хўжаликларига, 96,2 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 0,5 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди. Шунингдек, паррандалар умумий сонидан 40,8 фоизи фермер хўжаликларига, 36,0 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 23,2 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади (2-диаграмма).



**2-диаграмма. Наманган вилоятида чорва моллари ва паррандалар бош сонида хўжалик тоифаларининг улуши<sup>3</sup>**

Чорвачилик маҳсулотларига бозор талабининг ортиб боришини инобатга олиб, юқори унумдорлик асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш долзарб вазифа ҳисобланади. Вилоятда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш дехқон (шахсий ёрдамчи) ва фермер хўжаликлари зиммасига ўта масъулиятли вазифани юклайди. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва истеъмолчиларга арzon ва сифатли қилиб етказиб беришда, муносабатларни амалга оширишда улар турли муаммо ва хатарларга дуч келадилар (2-жадвал).

<sup>3</sup> Диаграмма Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2-жадвал

**Чорвачилик соҳасидаги асосий хатарлар ва уларни бартараф этиш йўллари**

<b>Чорвачилик соҳасидаги хатарлар</b>	<b>Хатарларни келиб чиқиши омиллари</b>	<b>Хатарларни бартараф этиш йўллари</b>
Яйлов даврининг кеч бошланиши ёки эрта яқунланиши билан боғлиқ хатарлар	Табиий-икклимий шароитлар, об-ҳавонинг кескин ўзгариши, мавсумийликнинг таъсири	Ем-хашак фондини шакллантириш, уларнинг майдонларини диверсификациялаш
Ҳайвонларда юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалиши ёки уларни мажбурий сўйилиши билан боғлиқ хатар	Чорва ҳайвонларида касалликларни олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ўз вақтида амалга оширилмаслиги, эмлатилмаслиги, ҳайвонларни ҳимояловчи вакцина ва воситаларнинг этишмаслиги, улар ўртасида юқумли касалликларни тарқалиши	Чорва ҳайвонларида касалликларни олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, чорва биноларини дизенфекциялаш, санитария-ветеренария станциялари фаолиятини такомиллаштириш, ҳайвонларни ҳимояловчи вакцина ва воситаларни ишлаб чиқариш ва таъминотини яхшилаш, сунъий уруғлантириш хизматларини рағбатлантириш
Ишлаб чиқариш мақсадларида ёш чорва молларининг этишмовчилиги билан боғлиқ хатар	Маҳсулдорлик кўрсаткичларининг пастлиги, селекция ишларини сустлиги, озиқлантириш сифатининг пастлиги	Чорва моллари зотини яхшилаш ва зотдор моллар етказиб бериш тизимини яратиш, селекция ишларини кучайтириш, озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратилиш, озуқаларга бўлган эҳтиёжни илмий асосланган рационлар бўйича мунтазам қондириш
Маҳсулдорлик даражасини пасайиши билан боғлиқ хатарлар	Озуқа таъминоти даражасининг пастлиги, чорва молларини парваришлаш сифатининг ёмонлиги, озуқа таъминотидаги технологик хатоликлар, шу жумладан, алоҳида чорва ҳайвонларига ем-хашак ва озуқанинг нотекис тақсимланиши, озуқа маҳсулотларини сақлашда уларнинг таркибини бузилиши	Ишлаб чиқариш жараённида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, ем-хашак жамғариш, ишлаб чиқаришда фан ютуқлари ва илгор тажрибаларга асосланиш, чорва моллари наслини яхшилашга эришиш, сунъий уруғлантириш хизматларини яхшилаш, озуқаларга бўлган эҳтиёжни илмий асосланган рационлар бўйича мунтазам қондириш

Юқори сифатли омухта ем ишлаб чиқариш хомашё базасининг етарли эмаслиги	Чорва ҳайвонлари учун яйлов ва пичанзорларнинг етишмаслиги, озуқа тайёрлаш технологиясининг такомиллашмаганлиги	Яйлов майдонларидан самарали фойдаланиш, ем-хашак ва сифатли озуқа фондини шакллантириш, озуқа экинлари майдонларини диверсификациялаш, озуқа тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш
Чорвачилик фермалари моддий-техника базасининг талабга нисбатан заифлиги	Чорвачилик хўжаликларида мустаҳкам озуқа базасининг йўқлиги, техника воситаларнинг эскирганлиги, мавсумда уларнинг етишмаслига, кичик майдонларда иш кучидан фойдаланишни афзal билиш	Фермер хўжаликлари моддий-техника базаларини янгилашда лизинг, кредит муассасалари хизматларидан кенг фойдаланиш, уларни имтиёзли лизинг асосида етказиб бериш
Чорвачилик маҳсулотлари таннархини йилдан-йилга ошиб бориши	Чорвачилик учун зарур бўлган саноат ресурслари, озуқа ва ем-хашак нархини муттасил ошиб бориши	Чорвачиликда маҳсулдорлик ва самарадорликни ошириш, ишлаб чиқаришдаги асосий харажатларни молиялаштириш бўйича имтиёзли кредитлаш
Чорвачилик маҳсулотлари нархлари тебранишидан йўқотишлар	Бозор конъюктурасининг ўзгариши, нархларни кескин тушиши ёки кўтарилиши	Хатарларни фючерс шартномалари ёрдамида сугурталаш
Чорвачилик фермалари моддий-техника базасининг эскирганлиги	Чорвачилик хўжаликларининг майдалиги замонавий технологияларни қўллаш имкониятининг чекланганлиги	Техника воситаларини имтиёзли лизинг асосида етказиб бериш
Чорвачилик маҳсулотларини сотиш бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги	Чорвачилик учун хизмат кўрсатувувчи инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги	Чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар фаолиятини йўлга кўйиши
Чорва моллари наслини ёмонлашуви	Наслчилик соҳасидаги ишларни тўғри ташкил этилмаганлиги, чорва ҳайвонларида турли касаликларни тарқалиши, экологик мұхитнинг бузилиши	Хўжаликларда парваришиланаётган чорва моллари зотини яхшилаш ишларини такомиллаштириш, ветеринария ва селекция хизматларини яхшилаш, иқлим шароитига мослашган қорамолларнинг зотдорлик белгиларини сақлаш

Чорва ҳайвонларини парвариш қилишда озуқанинг етишмаслиги	Озуқа экинлари экиладиган майдонларнинг ҳаддан зиёд қисқариб кетганлиги	Тармокнинг озука базасини мустахкамлаш, озуқа экинлар хосилдорлигини ошириш
Чорва ҳайвонларига йиртқич ҳайвонларнинг хужуми	Чорва ҳайвонлари, айниқса ёш бузоқчалар, қўзилар ва паррандаларга турли йиртқич ҳайвонлар: бўри, турли, дайди итлар тўдаси, йиртқич қушларнинг хужум қилиши	Чорва худудларини турли хавф-хатарлардан ҳимоялаш, уларни атрофларини тўсиш, йиртқич ҳайвонларга қарши курашиб бўйича зурав чоратадбирларни кўриш
Ходимларнинг хавфсизлиги, улар ўртасидаги тиббий-биологик хатарлар	Шахсларни инфекцион касалликларга чалиниши, заҳарланиши, ишлаб чиқариш жараёнида тан жароҳати олиш, табиий таъсиrlар, ҳайвонларнинг хужуми	Шахсларни эмлаш, уларнинг яхши овқатланиши, маҳсус иш кийимлари билан таъминлаш, ходимларнинг ишлашлари учун қулай майший шароитни хозирлаш, хавфсизлик чораларини кўриш
Молиявий ва иқтисодий мазмундаги хатарлар	Йилнинг муайян мавсумида маҳсулотга бўлган талаб ҳажмини қисқариши, унинг таркибини ўзгариши, рақобатчилар томонидан сифатли ёки арzon маҳсулотларни келтирилиши, импорт ҳажмини ортиши, маҳсулотларни экспорт қилишда қўшимча божларни жорий этилиши, саноат ресурслари, турли хизматлари нархи, кредит фоиз ставкаларини ўсиши, инфляция даражаси, суғурта хизматларининг такомиллашмаганлиги	Ишлаб чиқаришни ташқи муҳитга мослаштириш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, янги технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инвестицион жозибадорликни ошириш

Бугунги кунда вилоятда чорвачиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммолар билан бирга тармоқ тараққиётига салбий этувчи қуйидаги хатарлар мавжудлигини кўрсатмоқда:

- 1) юқори сифатли омухта ем ишлаб чиқариш хом ашё базаларининг ривожланмаганлиги ҳамда уларни етарли даражада ихтисослашмаганлиги;
- 2) чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўламининг кескин ошиши шароитида уларни қайта ишловчи корхоналарнинг етиш-

маслиги;

3) чорва ҳайвонларини етиштириш учун яйлов ва пичанзорларнинг етишмаслиги;

4) чорвачилик маҳсулотлари таннархини йилдан-йилга ортиб бориши;

5) чорвачилик маҳсулотларини етиштириш асосан майдада дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида амалга оширилиши, уларнинг моддий-техника базасининг нисбатан заифлиги;

6) қайта ишлаш корхоналарининг монополлиги ҳамда ишлаб чиқариладиган озуқа маҳсулотлари баҳоларининг тез суръатлар билан ошиб бориши;

7) хўжаликларда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларини сотиш бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

8) чорва моллари наслини ёмонлашуви, наслчилик соҳасидаги ишларни тўғри ташкил этилмаганлиги, уларда турли касаликларни тарқалиш хавфининг юқорилиги;

9) озуқа таъминоти ва хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиги;

10) чорва молларини етиштиришда янги технологияларни қўллаш ва улар маҳсулдорлигининг пастлиги;

11) маҳаллий худудларда чорвачилик учун хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

12) чорвачилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни етишмаслиги ва бошқалар.

Чорвачилик тармоғининг тараққиёти бевосита чорва моллари бошсонига, озуқа базасининг ривожланганлик даражасига ва ветеринария хизматларининг такомиллашганлигига боғлиқдир.

Чорвачиликда озуқа таъминоти муаммоси алоҳида ўрин тутади. Чорвачиликда озуқа базаси, асосан, қишлоқ хўжалигида дехқончилик тармоғида ва саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари сифатида ишлаб чиқарилади. Чорвачилик учун озуқа маҳсулотларининг етишмаслиги озуқа экинлари экиладиган майдонларнинг хаддан зиёд қисқариб кетганлиги билан боғлиқдир. Вилоятда чорвачилик учун ем хашак етиштириш етарли даражада ривожланмаганлигини кўриш мумкин. Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибида озуқа экинларининг салмоғи 2016 йилда 8,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда атига 5 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич вилоятда донли ва техник экин майдонлари улушининг ортиши ҳисобига камайган [12]. Ваҳоланки, озуқа базаси чорвачилик тармоғи самарадорлигини оширишнинг 55-60 фоизини кафолатлайди [3]. Ем-хашак экинлари майдони-

нинг чекланганлиги чорва моллари бош сонини доимо ошириб бориш имкониятларини чеклайди.

Чорва ҳайвонлари орасида юқумли касалликларга чалиниши ва тарқалиши билан боғлиқ биологик хатар энг хавфли хатарлардан бири бўлиб, чорва ҳайвонлари ва паррандаларни турли касалликларга чалиниши оқибатида уларни нобуд бўлиши, сонининг кескин равища қисқаришига олиб келиши мумкин. Хўжаликларда кўп сонли чорва молларини бир бинода парвариш қилиниши уларни ўртасидаги эпидемик касалликларни тез тарқалиб кетиш хавфини янада оширади. Чорва ҳайвонларини ўз вақтида эмлаш, одатий касалликларга чидамли, зотдор ҳайвонларни етиштириш, янги келтирилган чорва ҳайвонларини маълум муддат алоҳида шароит (карантин)да сақлаш, чорва ҳайвонларини боқишида минерал таркиби бўйича баланслашган, тўйимли озуқалардан фойдаланиш, фермаларда уларни сақлашнинг нормал шароитларини таъминлаш, касалланган ҳайвонларни алоҳида индивидуал тарзда даволаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш биологик хатар даражасини камайтиради.

Бугунги кунда вилоятда йирик шоҳли қорамолларнинг 95,6 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 96,2 фоизи шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлирида павариш қилинмоқда. Маҳаллий худудлардаги аксарият шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлирида ишлаб чиқаришни ташкил этиш хўжалик юритишнинг натурал шаклида сақланиб қолмоқда. Чорва молларини етиштириш хўжаликларнинг ички салоҳиятидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни асосан шахсий эҳтиёжлар мақсадида амалга оширилиши уларни кам самарали, чекланган ортиқча товар ишлаб чиқариш, бозор билан заиф алоқага эга қилиб қўймоқда. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг майдалиги ва хусусий мулк шаклида бўлганлиги сабабли улар фаолияти билан боғлиқ бутун вазиятни назорат қилиш ва тартибга солиш имкониятини қийинластиради. Масалан, Белоруссияда чорва молларининг қарийб 100 фоизи, Россияда эса 50 фоизидан ортиқ қисми йирик ташкил этилган сут хўжаликлирида етиштирилади.

Чорвачиликни интенсив ривожлантиришга майда хўжаликлар етарли даражада хисса қўшмайди. Чунки чорва молларини қўпайтириш учун сифатли озуқа базаси бўлишини тақазо этади. Майда хўжаликлар бундай салоҳиятга эга бўлмайдилар. Бундан ташқари ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш имкониятларини ҳам чекланган бўлади. Шунинг учун хўжаликларнинг моддий-техника базасини янгилашда лизинг, кредит муассасалари хизматларидан кенг

фойдаланиш, уларни имтиёзли лизинг шартлари асосида қўллаб-қувватлаш зарурдир.

Чорвачилик тармоғининг ривожланишига чорва маҳсулотларига баҳо белгилашнинг такомиллашмаганлиги, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртасидаги нархлар номутаносиблиги ва бошқа омиллар тўсқинлик қилмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида чорвачилик тармоғини барқарор ривожлантириш имкониятларини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиши тақозо этади:

- вилоят ҳудудларида хўжаликлар йўналишини эътиборга олган ҳолда чорвачилик тармоқларини мақсадга мувофиқ жойлаштириш, уларни ихтисослаштириш жараёнларини ривожлантиришга эътибор бериш;
- чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш орқали тармоқда самарадорликни ошириш;
- чорвачиликка ихтисослашган дехқон (шахсий ёрдамчи) ва фермер хўжаликларининг замонавий талабларга жавоб берадиган мөддий-техника базасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;
- чорвачилик бино-иншоотларини фан-техника ютуқларини эътиборга олган ҳолда мослаштириш, тегишли воситалар билан таъминлаш, чорва ҳайвонларини сифатли парваришлаш, рақобатбардош маҳсулот етиштиришда янги техникалар, илфор технологияларни жорий этиш;
- тармоқда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, меҳнат унумдорлиги ошишини таъминлаш;
- наслчилик ишларини ривожлантириш, сермаҳсул чорва зотларини яратиш, улар ишлаб чиқаришга татбиқ этишини таъминлаш;
- чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида ем-хашак етиштириладиган майдонлардан интенсив фойдаланиш, озуқа экинлари ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш;
- ем-хашак экинлари экиладиган майдонларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг ҳосилдорлигини оширишда органик ва минерал ўғитлардан талаб даражасида фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратиш;
- қайта ишлаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган тўйимли озуқа моддаларини талаб даражасида олиш, чорва молларига озуқа рациони асосида уларни вақтида берилишини ташкил этиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш учун имтиёзли

кредитлар ажратиш, хориждан чорвачилик учун моддий-техника ресурсларини олиб келишда божхона тўловларидан озод этиш.

• хўжаликларда парваришиланаётган чорва моллари наслини яхшилаш асосида уларнинг зотдор турларини етказиб бериш тизимини яратиш;

• чорвачилик соҳасида хизмат қўрсатиш тизимини ривожлантириш, зооветеринария пунктлари, селекция ва бошқа қўринишдаги хизматларни ривожлантириш;

Хулоса килиб айтганда, соҳани ташкилий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳажмини қўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш имкониятларини кенгайтиради. Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига талабини тўлароқ қондириш соҳада илгор технологияларни жорий этиш ва малакали кадрларнинг шакллантиришга боелик.

### References

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ҳалқ сўз газетаси. (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoev to the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dated December 28, 2018. Xalq so'zi.)
2. А.Абдуллаев, Х.Айбешов, Қ.Рустамов, У.Мустафоев. Фермер хўжалиги иқтисоди. – Т.: Fan va texnologiya, 2006 й., 176 бет.(A. Abdullaev, X.Aybeshov, Q.Rustamov, U.Mustafoev. The economy of the farm. - T .:Fan va texnologiya, 2006, pp. 176.)
3. Абдолниёзов Б.О. Чорвачилик асослари. "Noshir" 223-б. Тошкент-2010. (Abdolniyazov B.O. Fundamentals of livestock breeding. "Noshir" –P. 223 Tashkent-2010.)
4. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. – 340 б. (Abduganiev A. Agricultural Economics. - T: Literature Fund. 2007. - 340 b.)
5. Балабанов И.Т. Риск менеджмент. – М.: Финансы и Статистика, 1996. (Balabanov I.T. Risk management. - M .: Finance and Statistics, 1996.)
6. Балдин К.В., Риск-менеджмент. Учебное пособие по риск-менеджменту. – М.: ЭКМО, 2006. – 368 с. (Baldin KV, Risk management. Tutorial on risk management. - M .: ECMO, 2006. - 368 p.)
7. Васин С.М., Шутов В.С. Управление рисками на предприятии: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 304 с. (Vasin S.M., Shutov

V.S. Enterprise risk management: study guide. - M .: KNORUS, 2010. - 304 p.)

8. Данные аналитической службы Рейтингового Агентства РФЦА: Анализ отрасли животноводства, - гл. аналитик: Филатова О.А., г. Алматы, 2014г. (Data from the analytical service of the Rating Agency of the RFCA: Analysis of the livestock industry, - Ch. Analyst: Filatova OA, Almaty, 2014)

9. Зайнутдинов Ш.Н., Шермухамедов А.Т. Риск менеджмента. Учебное пособие. – Т.: Иқтисод-молия, 2007 . – 256 с. (Zainutdinov Sh.N., Shermukhamedov A.T. Risk management. Tutorial. - T .: Iqtisod-Moliya, 2007. - 256 с.)

10. Носиров У.Н., Досмухамедова М.Х., Атабаева Х.Н. Корамолчилик фермер хўжаликларини модернизациялашнинг селекция ва технологик асослари. 158-б. Тошкент-2010. (Nosirov U.N., Dosmukhamedova M.X., Atabaeva X.N. Selection and technological bases of modernization of cattle-breeding farms. 158-p. Tashkent-2010.)

11. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001. 704 б. (Sharifhodjaev M., Abdullaev Yo. Management. Textbook. - T .: "O'qituvchi", 2001. 704 p.)

12. Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. Тошкент, 2018 йил, 207-бет. (Annual statistical collection of regions of Uzbekistan. Tashkent, 2017, page 207.)